



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ

САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ 2017-2019 ЙИЛЛАРДАГИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ



Резюме

Мамлакатда қулай инвестицион муҳитнинг шаклланиши барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, иқтисодиётда самарадорликни ошириш, барқарор ички ва ташқи молиявий ресурсларнинг вужудга келиши орқали макроиқтисодий хусусан, инфляция ва валюта курсининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу ўз навбатида, Марказий банк томонидан инфляцион таргетлаш доирасида қарор қабул қилиш жараёнларини ҳам осонлаштиради.

Шу муносабат билан, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан етарлича инвестиция қилинаётганлик даражаси ҳамда инвестиция бўйича қарорларни қабул қилишда молиявий ёки номолиявий омилларнинг ролини баҳолаш муҳим ҳисобланади.

Мазкур тадқиқот ишида маҳаллий корхоналарнинг инвестицион фаоллик даражаси ёки бошқача қилиб айтганда, корхоналар қанчалик даражада **ўз молиявий маблағларини инвестицион мақсадларга** йўналтираётганлиги, унга тўсқинлик қилувчи омиллар, инвестицион қарорлар қабул қилиш стратегияси ҳамда 2017-2019 йилларда амалга оширилган инвестицияларнинг самарадорлиги сўров ўтказиш орқали баҳоланди.

Корхоналарнинг инвестицион фаолияти бўйича сўровнома шаклини ишлаб чиқишда Англия ҳамда Россия марказий банклари тажрибасидан фойдаланилди.

Мазкур сўров натижаларига кўра, 2017-2019 йилларда республикадаги корхоналарнинг **65 фоизи** етарли даражада инвестиция қила олганлигини, **30 фоизи** етарли даражадан кам инвестиция қилганлигини ҳамда **5 фоизи** етарли даражадан юқори инвестиция қилганлигини билдирган.

Сўровда иштирок этган корхоналарнинг **66 фоизи** етарли даражада инвестиция қилинмаганлигининг асосий сабаби сифатида **молиявий тўсиқларни, 63 фоизи номолиявий тўсиқларни** ҳамда **29 фоизи** эса ҳам молиявий ҳам номолиявий омилларни қайд этган.

Шунингдек, респондент корхоналарнинг 28 фоизи сўнгги 3 йил қарз маблағларидан фойдаланиш учун қулай шаклланганлигини ҳамда 26 фоизи зарур муддат ва миқдорда қарз маблағлари жалб қила олишини маълум қилган.

Корхоналарнинг инвестицион қарорлар қабул қилиш стратегияси ўрганилганда, уларнинг асосий қисми (**79,1 фоизи**) инвестицион қарорлар қабул қилишда **эмперик қоидага**, яъни, режалаштирилган

тартибда асосий воситаларни янгилаш ва алмаштириш зарурати юзасидан ҳамда асосий воситалар ишдан чиққанда инвестицион харажатларни амалга оширишини билдирган. Мазкур ҳолат, **корхоналар инвестиция бўйича қарор қабул қилишда кредит фоиз ставкаларига таъсирчанлиги паст даражада¹** эканлигини билдиради.

Бундай ҳолатда, пул-кредит шароитларини юмшатилиши, инвестицион талабдан кўра кўпроқ истеъмол талабини рағбатлантириш орқали иқтисодиётда инфляцион босимнинг ошишига олиб келиши мумкин.

Сўров натижалари 2017-2019 йилларда амалга оширилган инвестицияларнинг корхона даромадига ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошишига таъсири **давлат улуши иштирокидаги корхоналарда** ҳамда **кичик корхоналарда** (ишчилар сони 1-100 нафаргача) нисбатан паст эканлигини кўрсатди.

Шунингдек, сўров доирасида корхоналар томонидан инвестицияларни молиялаштириш манбалари ўрганилганда, банк кредитларидан фойдаланиш даражаси нисбатан юқори (**57 фоизи**) шаклланганлиги маълум бўлди.

Мазкур кўрсаткич Россияда **43 фоизни** ташкил этган бўлиб, банк кредитларидан фойдаланиш даражасининг юқори бўлиши, инвестицияларнинг даромадлигига ҳамда корхона маҳсулотларининг рақобатбардошлилига салбий таъсир кўрсатиши таъкидланган.

Шунингдек, **давлат улуши иштирокидаги корхоналарда** ҳамда ишчилар сони 250 дан юқори бўлган **йирик корхоналарда** амалга оширилган инвестициялар таркибида кредит маблағларининг улуши нисбатан юқори шаклланган.

2017-2019 йиллардаги соф фойдани инвестицион мақсадларга йўналтириш даражаси **давлат улуши иштирокидаги корхоналарда** (жами соф фойданинг **15 фоизи**) хусусий корхоналар (**34 фоиз**) ҳамда хорижий капитал иштирокидаги корхоналарга нисбатан (**25 фоиз**) **сезиларли даражада паст шаклланганлиги** маълум бўлди.

Шу билан бирга, ўтказилган сўров натижалари корхоналарда инвестицияларни молиялаштириш манбалари диверсификацияси даражасининг пастлигини кўрсатмоқда. Хусусан, респондентларнинг **48 фоизи** битта, фақатгина **2 фоизи** эса тўртта молиялаштириш манбаларидан фойдаланганлигини қайд этган. Бу ўз навбатида,

¹ Почему промышленные предприятия не инвестируют: результаты опроса, Центральный банк Российской Федерации, 2020

инвестицияларни молиялаштиришда муқобил молиялаштириш манбаларининг ривожланмаганлиги билан изоҳланиши мумкин.

I. Сўровда иштирок этган корхоналарнинг умумий таснифи


2017-2019 йилларда саноат корхоналарининг инвестицион фаоллигини баҳолаш бўйича ўтказилган сўровда республиканинг барча ҳудудларидан жами **701 та** корхона ва ташкилотлар иштирок этди.

Саноат корхоналарининг тармоқлар бўйича тақсимланиши, респондентлар сони




Сўровда иштирок этган корхоналарнинг **47 фоизи** 10 йилдан ортиқ давр мобайнида, **27 фоизи** 5 йилдан 10 йилгача бўлган давр оралиғида қолган **26 фоизи** эса 5 йилгача бўлган давр мобайнида фаолият юритаётганлигини маълум қилган.

Корхоналарнинг фаолият юритаётган даври бўйича тақсимланиши, респондентлар улуши %да




**Корхоналарнинг ишчилар сони бўйича тақсимланиши,
респондентлар улуши %да**



Шунингдек, корхоналарнинг **32 фоизида** ишчилар сони 50 нафаргача, **18 фоизида** 51 нафардан 100 нафаргача, **20 фоизида** 101 нафардан 250 нафаргача ҳамда **29 фоизида** 250 нафардан ортиқ ишчилар ишлаши маълум бўлди.

**Корхоналарнинг мулкчилик тури бўйича тақсимланиши,
респондентлар улуши %да**



Мулкчилик шакли бўйича қаралганда, сўровда иштирок этган корхоналарнинг **64 фозини** хусусий корхоналар, **22 фозини** хорижий капитал иштирокидаги корхоналар ҳамда **14 фозини** давлат улуши иштирокидаги корхоналар ташкил этади.

II. Корхоналар томонидан амалга оширилган инвестицияларнинг етарлилиги

Етарли даражада инвестиция қилганлигини маълум қилган респондентлар улуши электр ускуналар, кийим ишлаб чиқариш, электроэнергетика, озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва ускуналар, металлургия, резина ва пластмасса ишлаб чиқариш соҳаларида нисбатан юқори шаклланган.

Етарли даражада инвестиция қилмаганлигини маълум қилган корхоналар улуши эса тоғ-кон саноати, ёғоч ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш, нометалл минераллар ишлаб чиқариш, автотранспорт воситалари, фармацевтика, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида нисбатан юқори ҳисобланади.

2017-2019 йилларда корхоналар томонидан амалга оширилган инвестицияларнинг етарлилик даражаси, респондентлар улуши %да



Сўровда иштирок этган корхоналарни ишчилар сони кесимида таҳлил қилганда, **етарли даражада инвестиция қилганлигини** маълум қилган респондентларнинг энг паст улуши кичик, хусусан, ишчилар сони 50 нафаргача бўлган корхоналар ҳиссасига тўғри келган бўлса, энг юқори кўрсаткич ишчилар сони 500 нафардан юқори бўлган йирик корхоналар ҳиссасига тўғри келган.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда тижорат банклари томонидан иқтисодийга ажратилаётган кредит қўйилмаларининг юқори суръатларда ўсиб боришига қарамай (2020 йилда 34,3 фоиз), Ўзбекистон бўйича Хусусий секторга ажратилган ички кредитларнинг жами кредитларга нисбати (2020 йил якуни бўйича 76,7 фоиз) бошқа

ривожланаётган мамлакатларга, хусусан Россия (98,5 фоиз), Грузия (95,8 фоиз), Қозоғистонга (93,1 фоиз) нисбатан пастроқ шаклланган.

Юқоридаги ҳолат мамлакат иқтисодиётида давлат улушининг юқорилиги натижасида мазкур корхоналарга ажратилган кредитларнинг жами кредит портфелидаги улуши қарийб 23,3 фоизга тенг бўлиб келаётганлиги билан изоҳланади.

Корхоналарнинг ишчилар сони кесимида 2017-2019 йилларда амалга оширган инвестицияларнинг етарлилик даражаси, респондентлар улуши %да



Мулкчилик шакли бўйича етарли даражада инвестиция қилганлигини қайд этган респондентлар улуши **хорижий капитал иштирокидаги корхоналарда** хусусий ҳамда давлат улуши иштирокидаги корхоналарга нисбатан юқори эканлиги маълум бўлди.

Шунингдек, етарли даражада инвестиция қилмаганлигини қайд этган респондентларнинг энг юқори улуши **давлат корхоналари ҳиссасига** тўғри келган.

Корхоналарнинг мулкчилик шакли бўйича 2017-2019 йилларда амалга оширилган инвестицияларнинг етарлилик даражаси, респондентлар улуши %да



Корхоналар томонидан етарли даражада инвестиция қилинмаганлигининг сабаблари ўрганилганда, барча корхоналарда ўз маблағларининг етишмаслиги асосий муаммолардан бири сифатида кўрсатилган. Мазкур омил, айниқса, давлат корхоналарида долзарб бўлиб, уларнинг **76 фоизи** ўз маблағлари етишмаслигини етарлича инвестиция қилинмаётганлигининг асосий сабаби сифатида кўрсатган.

Шунингдек, қарз маблағлари нархининг юқорилиги омили хорижий капитал иштирокидаги корхоналар томонидан кучлироқ сезилганлиги маълум бўлди. Хусусан, сўровда иштирок этган хусусий корхоналарнинг **30 фоизи**, давлат иштирокидаги корхоналарнинг **29 фоизи** ҳамда хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг **42 фоизи** мазкур омилни етарли даражада инвестиция қилинмаганлигининг сабаблари сифатида қайд этган.

Корхоналарда етарлича инвестиция қилинмаётганлигининг асосий омиллари


	Хусусий корхона	Давлат улуши иштирокидаги корхона	Хорижий капитал иштирокидаги корхона
Ўз маблағларининг етишмаслиги	58%	76%	66%
Қарз маблағлари нархларининг юқорилиги	30%	29%	42%
Малакали ходимларнинг етишмаслиги	15%	7%	6%
Ер олиш билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги	12%	2%	8%
Иқтисодиётда ноаниқликларнинг кучайиши	12%	10%	20%
Ортиқча бюрократик ва техник талабларнинг кўплиги	11%	12%	18%
Инвестицияларни ўзини оқлаши учун кўп вақт талаб этилиши	9%	5%	6%
Қарз маблағлардан фойдаланиш билан боғлиқ қийинчиликлар	9%	10%	16%
Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктуранинг мавжуд эмаслиги	8%	0%	8%
Қурилишга рухсат олишнинг қийинлиги	7%	7%	4%
Мажбурий ҳомийлик, мажбурий тартибдаги ҳолатларнинг кўплиги	6%	0%	0%
Мулк ҳуқуқининг кафолатланмаганлиги	5%	0%	0%
Корхона фаолиятига маҳаллий ҳокимият органлари аралашуви кучли	5%	0%	2%
Лойиҳанинг техник иқтисодий асосларини тасдиқлаш жараёнининг мураккаблиги	3%	12%	12%
Корхонанинг давлат дастурларида иштирок этишида тўсиқлар мавжудлиги	3%	2%	0%

Шу билан бирга, иқтисодиётда ноаниқликларнинг кучайиши, ортиқча бюрократик ҳамда техник талабларнинг кўплиги каби

омилларни қайд этган респондентлар сонида ҳам хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг улуши юқори шаклланган.

Мажбурий ҳомийлик, мажбурий тартибдаги ҳолатларнинг кўплиги (6 фоиз), мулк ҳуқуқининг кафолатланмаганлиги (5 фоиз), корхона фаолиятига маҳаллий ҳокимият органлари аралашувининг кучлилиги (5 фоиз) асосан хусусий корхоналар томонидан маълум қилинган.

Инвестицияларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган молиявий ҳамда номолиявий омиллар (Венн диаграммаси)



Корхоналар томонидан етарли даражада инвестиция қилинмаслигининг асосий омилларини молиявий ҳамда номолиявий омилларга ажратган ҳолда амалга оширилган таҳлиллар, молиявий омилларни кўрсатган респондентлар улуши **66 фоизни**, номолиявий омилларни белгилаган корхоналар улуши **63 фоизни** ҳамда иккала омилларни белгилаган корхоналар улуши **29 фоизни** ташкил этганлигини кўрсатган.

Етарли даражадан кўп инвестиция қилган хусусий корхоналар (**46 фоиз**) ҳамда хорижий капитал иштирокидаги корхоналар (**43 фоиз**) томонидан ишлаб чиқаришни тартибга солиш муҳитининг яхшиланиши давлат корхоналарига (**25 фоиз**) нисбатан юқорироқ сезилган.


Етарли даражадан кўп инвестиция қилинишининг омили сифатида кредит фоиз ставкалари ва бошқа молиялаштириш манбалари нархларининг арзонлашиши ҳамда мулк ҳуқуқи кафолатларининг яхшиланиши эса асосан хусусий корхоналар томонидан қайд этилган.

Корхоналарда етарли даражадан кўп инвестиция қилинишига сабаб бўлган асосий омиллари

	Хусусий корхона	Давлат улуши иштирокидаги корхона	Хорижий капитал иштирокидаги корхона
Ишлаб чиқаришни тартибга солиш муҳитининг яхшиланиши	46%	25%	43%
Кредит ва бошқа маблағлардан фойдаланиш билан боғлиқ жараёнларнинг соддалаштирилиши	28%	25%	18%
Мамлакатда иқтисодий кутилмаларнинг яхшиланиши	25%	21%	18%
Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктуранинг яхшиланиши	24%	25%	28%
Корхона фойдасининг ошиши	21%	50%	25%
Кредит фоиз ставкалари ва бошқа молиялаштириш манбалари нархларининг арзонлашиши	20%	13%	5%
Мулк ҳуқуқи кафолатларининг яхшиланиши	12%	4%	5%
Корхонанинг давлат дастурларида иштирок этиши	10%	17%	8%

Шунингдек, кредит ва бошқа маблағлардан фойдаланиш билан боғлиқ жараёнларнинг соддалаштирилиши, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктуранинг яхшиланиши мулкчилик шакли бўйича барча турдаги корхоналар томонидан юқори ижобий баҳоланган.

Корхоналарнинг қарз маблағларига бўлган муносабати бўйича тақсимланиши



Сўров доирасида корхоналарнинг қарз маблағларига бўлган муносабати ўрганилганда, респондентларнинг **28 фоизи** охириги 3 йил инвестицион мақсадларда қарз маблағларини жалб қилиш учун қулай шаклланганлигини, **26 фоизи** эса зарур муддатда ва миқдорда қарз маблағлари жалб қила олишини қайд этган.

Етарли даражада инвестиция қилинмаганлигини қайд этган корхоналарда эса мазкур кўрсаткичлар пастроқ шаклланган бўлиб, мос равишда **20** ва **16 фоизи**ни ташкил қилган.

Шу билан бирга, мазкур корхоналарда бошқа корхоналарга нисбатан кўпроқ кредит фоиз ставкалари (22 фоизида), кредит таъминоти (14 фоизида) ҳамда кредит тарихи (8 фоизида) бўйича муаммоларга дуч келинаётганлиги таъкидланган.

III. Корхоналарнинг инвестицион қарорлар қабул қилиши

Корхоналарнинг инвестицион қарорлар қабул қилиш стратегияси ўрганилганда, респондентларнинг **54 фоизи** режалаштирилган тартибда асосий воситаларни янгилаш ва алмаштириш юзасидан, **31 фоизи** асосий воситалар ишдан чиққанда уларни янгилаш ва алмаштириш зарурати вужудга келганда инвестиция қилиши маълум бўлди.

Корхоналарнинг инвестицион қарорлар қабул қилиш стратегияси, респондентлар улуши %да




Шунингдек, сўровда иштирок этган респондентларнинг 19 фоизи инвестицион лойиҳалар қисқа муддатда даромад келтирган шароитда ҳамда 12 фоизи инвестицияларнинг йиллик даромадлилик даражаси олинган қарз маблағлари бўйича харажатлардан юқори бўлган шароитда инвестицияларни амалга оширишни маълум қилган.

Корхоналарнинг инвестицион қарорлар қабул қилиш стратегияси

Жами респондентлар бўйича, %да

Ишчилар сони кесимида, %да



Корхоналарнинг инвестицион қарорлар қабул қилиш стратегияси 3 та гуруҳга умумлаштирган ҳолда таҳлил қилинди. Бунда, **эмперик қоидага** асосланган ҳолда инвестицион қарорлар қабул қилувчи корхоналар, асосан, режалаштирилган тартибда асосий воситаларни янгилаш, асосий воситалар ишдан чиққанда уларни алмаштириш ҳамда инвестициялар қисқа муддатда даромад келтиргандагина инвестицияларни амалга ошириши назарда тутилади.

Иқтисодий модел ёндашувига асосланган ҳолда қарор қабул қилиш, пул оқимларининг соф жорий қийматини аниқлаш орқали амалга оширилса, **аралаш стратегияда** инвестицияларнинг минимал даромадлилик даражасини белгилаш ва инвестицияларнинг йиллик даромадлилик даражаси олинган қарз маблағларидан юқори бўлганда инвестицияларни амалга оширишни назарда тутати.

Таҳлил натижалари корхоналарнинг **79,1 фоизи** эмперик қоидага асосланган ҳолда инвестицион қарорлар қабул қилишини ҳамда фақатгина 6,8 фоизи иқтисодий моделга таянган ҳолда қарор қабул қилишини кўрсатди.

Корхоналарнинг асосий қисми эмперик қоидага асосланган ҳолда инвестицияларни амалга ошириши, корхоналар инвестицион

фаоллигининг фоиз ставкаларига нисбатан эластиклиги паст даражада эканлигини англатади.

Бошқача қилиб айтганда, фоиз ставкаларининг пасайтирилиши билан инвестицион фаолликнинг ошиши кузатилмайди. Бу эса ўз навбатида, пул-кредит шароитларининг юмшатилиши инвестицион талабдан кўра истеъмол талабини рағбатлантириш орқали иқтисодиётда инфляцион босимнинг юзага келишига олиб келиши мумкинлигини билдиради.

Шунингдек, йирик корхоналар, яъни ишчилар сони 250 нафардан юқори корхоналар томонидан инвестицион қарорлар қабул қилишда аралаш стратегиядан фойдаланиш даражаси нисбатан юқори шаклланган.

Мулкчилик шакли бўйича корхоналарнинг инвестицион қарорлар қабул қилиш стратегияси, респондентлар улуши %да




Инвестицион қарор қабул қилишда хорижий капитал иштирокидаги корхоналарда эмперик қоидадан фойдаланиш даражаси (76,6 фоиз), хусусий корхона (79,3 фоиз) ва давлат улуши иштирокидаги корхоналарга (82,6 фоиз) нисбатан паст шаклланган.

Инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари

Корхоналарнинг инвестицияларни молиялаштириш манбалари юзасидан олинган жавоблар, уларнинг аксарияти 2017-2019 йилларда инвестицияларни амалга оширишда асосан фойда ва айланма маблағлари ҳамда банк кредитларидан фойдаланганлигини кўрсатган.


Хусусан, респондентларнинг **73 фоизи** фойда ва айланма маблағлар ҳисобидан инвестицияларни амалга оширганлигини қайд этган бўлиб, мазкур маблағлар амалга оширилган инвестициялар ҳажмининг **47 фоизини** ташкил этган.

Амалга оширилган инвестицияларнинг манбалари бўйича респондентларнинг тақсимланиши



Россия ва Англия Банклари маълумотларига кўра Россия ва Буюк Британияда ҳам корхоналарнинг ички маблағлари инвестицияларни асосий молиялаштириш манбаси бўлган. Хусусан, Россияда респондентларнинг **87 фоизи**, Буюк Британияда **80 фоизи** молиялаштириш манбаси сифатида ички маблағларни кўрсатишган.

Мулкчилик шакли бўйича амалга оширилган инвестицияларнинг манбаси таркиби



Мазкур ҳолат, корхоналарнинг молиялаштириш манбаларига бўлган муносабатини ифодаловчи иерархия назариясига (pecking order theory) мос келиб, мазкур назарияга асосан корхоналар биринчи навбатда инвестицияларни молиялаштиришнинг энг арзон манбаси бўлган ўз маблағларидан, кейинги ўринларда эса қарз маблағлари ҳамда қимматли қоғозлардан фойдаланади.


Инвестицияларни молиялаштиришда ички маблағлардан фойдаланиш, қўшимча капитални жалб қилишдаги харажатларни қисқартириш орқали барқарор ўсишни таъминлаш ва нисбий афзалликка эга бўлиш ҳамда рискларни камайтиришга олиб келади.

Шунингдек, респондентлар инвестицияларни молиялаштириш манбаси сифатида банк кредитларини муҳимлик жиҳатдан кейинги ўринда белгилашган. Хусусан, респондентларнинг **57 фоизи** (*Россияда респондентларнинг 43 фоизи*) банк кредитлари ҳисобидан инвестицияларни амалга оширганлигини ҳамда жами инвестицияларнинг **36 фоизи** банк кредитлари орқали молиялаштирилганлигини қайд этган.

Мулкчилик шакли бўйича қаралганда, инвестицияларни молиялаштиришда банк кредитларининг улуши давлат улушига эга корхоналарда **43 фоизни**, хусусий корхоналарда **38 фоизни** ва хорижий капитал иштирокидаги корхоналарда **28 фоизни** ташкил қилганлиги маълум бўлди.

Респондентларнинг 6 фоизи банк кредитлари бўлмаган қарз маблағлари, 5 фоизи асосий воситалар лизинги ва ижарага олиш ҳисобидан ҳамда фақатгина 1 фоизи қимматли қоғозлар чиқариш орқали инвестицияларни амалга оширганлигини қайд этган.

Корхона ишчилари сони бўйича амалга оширилган инвестицияларнинг манбаси таркиби




Шу билан бирга, ўтказилган сўров натижалари корхоналарда инвестицияларни молиялаштириш манбалари диверсификацияси даражасининг пастлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, респондентларнинг **48 фоизи битта**, 43 фоизи иккита, 8 фоизи учта ҳамда фақатгина **2 фоизи тўртта** молиялаштириш манбаларидан фойдаланганлигини қайд этган.


Буюк Британияда эса корхоналарнинг **20 фоизи битта**, 40 фоизи икки ва учта ҳамда **30 фоизи тўрт ва ундан ортиқ** молиялаштириш манбаларидан фойдаланганликларини таъкидлаган.

Инвестицияларни молиялаштиришда фойдаланиладиган манбалар сони бўйича корхоналарнинг тақсимланиши



Шунингдек, сўровда қатнашган респондентларнинг **50 фоизи** 2017-2019 йиллардаги соф фойдасини инвестицияларга йўналтирганлигини маълум қилган.


Соф фойданинг ишлатилиши бўйича корхоналарнинг тақсимланиши



Бунда, соф фойданинг 46 фоизи корхона балансида қолдирилган, 30 фоизи инвестицияларни молиялаштиришга йўналтирилган, 16 фоизи акционерларга дивиденд кўринишида тақсимланган бўлса, 4 фоизига молиявий активлар харид қилинган.

Мулкчилик шакли бўйича соф фойданинг инвестицияларни молиялаштиришга йўналтирилган энг юқори улуши яъни **34 фоизи** хусусий корхоналарда кузатилган бўлса, энг кам улуши (**15 фоиз**) давлат улуши иштирокидаги корхоналарда қайд этилган.

Мулкчилик шакли бўйича соф фойданинг тақсимланиши




V. Амалга оширилган инвестицияларнинг самарадорлиги

Корхоналар томонидан 2017-2019 йилларда амалга оширилган инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш юзасидан олинган жавоблар **61 фоиз** респондентлар инвестицияларни амалга оширишдан кутилгандай даромад олганлигини, **31 фоизи** кутилганидан паст даромад олганлигини ҳамда **8 фоизи** кутилганидан ортиқ даромад олганлигини кўрсатди.


Мулкчилик шакли бўйича қаралганда, инвестицияларнинг кутилганидан паст даромад келтирганлигини маълум қилган респондентлар улуши давлат улуши иштирокидаги корхоналарда (**40 фоиз**) хусусий корхоналарга (**30 фоиз**) ҳамда хорижий капитал иштирокидаги корхоналарга (**28 фоиз**) нисбатан баланд шаклланганлиги маълум бўлди.

Инвестицияларнинг самарадорлиги юзасидан жавобларнинг тақсимланиши



Шунингдек, таҳлил натижалари **кичик корхоналарда инвестицияларнинг самарадорлиги ўрта ва йирик корхоналарга нисбатан паст эканлигини** кўрсатди. Хусусан, ишчилар сони 50 тагача бўлган корхоналарнинг **37 фоизи**, 51 тадан 100 тагача бўлган корхоналарнинг **30 фоизи** инвестицияларнинг кутилганидай даромад келтирмаганлигини қайд этган бўлса, ушбу кўрсаткич ишчилар сони 101 тадан 250 тагача бўлган корхоналарда **21 фоизни** ҳамда 500 тадан ортиқ ходимлар ишлайдиган корхоналарда **25 фоизни** ташкил этган.


Корхоналарда ишчилар сони кесимида инвестицияларнинг самарадорлиги, респондентлар улуши %да




Тармоқлар кесимида қаралганда, инвестицияларнинг кутилганидай даромад келтирганлигини маълум қилган респондентларнинг нисбатан юқори улуши электроэнергетика (87 фоиз), фармацевтика (78), электр ускуналар (75), металлургия, кийим ишлаб чиқариш, тўқимачилик, ёғоч ва қоғоз маҳсулотлари (65) соҳаларида кузатилган.

Шу билан бирга, автотранспорт воситалари ишлаб чиқариш (52 фоиз), тоғ-кон саноати (50), машина ва ускуналар (47), кимё маҳсулотлари (45) соҳаларида инвестицияларнинг кутилганидан паст даромад келтирганлигини маълум қилган респондентлар улуши нисбатан юқори шаклланган.

Инвестицияларнинг кутилганидай даромад келтирганлигини маълум қилган респондентлар улуши, %




Инвестицияларнинг кутилганидан паст даромад келтирганлигини маълум қилган респондентлар улуши, %



Шу билан бирга, 2017-2019 йилларда корхоналар томонидан амалга оширилган инвестицияларнинг ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири ўрганилганда, респондентларнинг **56 фоизи** инвестициялар корхонада ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошишига олиб келганлигини, **15 фоизи** ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатмаганлигини ҳамда **29 фоизи** инвестициялар ишлаб чиқариш ҳажмларига энди таъсир этиши кутилаётганлигини маълум қилган.


Хусусан, амалга оширилган инвестицияларнинг ишлаб чиқаришга таъсир этмаганлигини қайд этган респондентлар улуши давлат улуши иштирокидаги корхоналарда энг юқори шаклланган. Инвестицияларнинг ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошишига олиб келганлигини билдирган респондентларнинг энг юқори улуши (**58 фоиз**) эса хусусий корхоналарда кузатилган.

Инвестицияларнинг ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири бўйича респондентларнинг тақсимланиши



Шунингдек, йирик корхоналарда инвестицияларнинг ишлаб чиқариш ҳажмига ижобий таъсири кичик корхоналарга қараганда юқорироқ эканлиги кузатилди. Хусусан, ишчилар сони 1-50 нафаргача бўлган корхоналарнинг 19 фоизи, 51-100 нафаргача бўлган корхоналарнинг 13 фоизи инвестицияларнинг ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир кўрсатмаганлигини қайд этган бўлса, 101-250 нафаргача ҳамда 500 нафардан ортиқ ишчилар фаолият юритаётган корхоналарда мазкур кўрсаткич 10 фоизни ташкил этган.

Корхоналарда ишчилар сони кесимида инвестицияларнинг ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири, респондентлар улуши %да



Тармоқлар кесимида инвестицияларнинг ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига олиб келганлигини қайд этган респондентлар улуши ёғоч ва қоғоз маҳсулотлари (78 фоиз), электр ускуналар (75 фоиз), электроэнергетика (73 фоиз), тоғ-кон саноатида (67 фоиз) нисбатан юқори шаклланган бўлса, инвестицияларнинг ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатмаганлигини маълум қилган респондентлар улуши машина ва ускуналар (31 фоиз), автотранспорт воситалари (29 фоиз), кимё маҳсулотлари (21 фоиз), озиқ-овқат маҳсулотлари (19 фоиз) соҳаларида юқори шаклланган.

Корхоналарда тармоқлар кесимида инвестицияларнинг ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири, респондентлар улуши %да



Шунингдек, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг 42 фоизи, фармацевтика соҳасида - 39 фоиз, машина ва ускуналар саноатида - 38 фоизи, металлургия саноатида - 35 фоизи инвестицияларнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари ошишига олиб келиши кутилаётганлигини маълум қилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2021 йил

Статистика ва тадқиқотлар департаменти томонидан тайёрланган

E-mail: sturginboev@cbu.uz; research@cbu.uz

Тел.: (+998) 71 212-60-09